

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 5 апрель
сешанба
№ 12 (1320)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

Энг улуг ва барокатли ой

ОРЗИҚИБ кутганимиз, ойлар султони Рамазон ойи кириб келди. Рамазон ойи шукронасидан барча ибодатларни янада мукамалроқ бажаришга интилиш гўзал амаллардандир.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “Умнатимга Рамазон ойида бошқа умматларга берилмаган бешта хислат берилди. Рўздорнинг оғзидаги ҳид Аллоҳ наздида мушкнинг ҳидидан яхшироқ; ифтор қилгунларича малоикалар уларнинг гуноҳларини кечиришини сўрайдилар; бу ойда шайтоннинг саркашлари боғланади; бу ойда одамлар бошқа ойларда бўлмаган ихлосларини топадилар; бу ойда ҳар кун Аллоҳ таоло жаннатни зийнатлайди ва жаннатга айтади: “Менинг бандаларимдан қийинчилик ва азиятлар кўтарилишига оз қолди. Улар сенга қараб юрадилар ва охири кечада уларнинг гуноҳлари кечирилади”. “Эй Аллоҳнинг элчиси, Лайлатул-қадр ўша кечами?” деб сўрашди. Айтдиларки: “Йўқ. Лекин амал қилувчи амалини бажарса, унинг ажри мўл-кўл берилади”

(Имом Байҳақий ривояти).

7-БЕТ

9 апрель — Соҳибқирон
Амир Темур таваллуд топган кун

**“Агар бизнинг қудратимизни
билмоқчи бўлсангиз,
қурган биноларимизга боқинг!”**

Амир ТЕМУР

БҮЮК Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт йўли “Куч адолатдадир” деган ҳикмат билан йўғрилган. Ушбу ғояда ватанпарварлик, мардлик, одамийлик каби улуг фазилатлар мужассамдир.

Соҳибқиронга “Рости-русти” (Куч-адолатда) сўзлари ёзилган узукни Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий ҳада этган. У Амир Темурга йўллаган мактубида шундай таъкидлаган: “Худонинг мулкида адолат ила иш тутгилким, шундай демишдирлар: “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди”.

7-БЕТ





АЛИМЕНТ ПУЛИ ДАРОМАД СОЛИГИ ОЛИНГАНДАН КЕЙИН ҚОЛГАН СУММАДАН УНДИРИЛАДИ

— **МЕН иш ҳақимдан алимент тўлайман. Алимент пуллари даромад солиғи ундирилгандан кейин ҳисобланадими ёки даромад солиғи олинмаган ҳолда ҳисобланадими?**

— Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасида “Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинган суммалар миқдори солиқлар ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.” деб кўрсатилган.

Шунга асосан алимент даромад солиғи олингандан кейин қолган суммадан ундирилади.



АРИЗАМ НЕГА РАД ЭТИЛДИ?

— **БОЛАЛАР нафақасини олиш учун ариза билан мурожаат қилган эдим. Лекин турмуш ўртоғим 2019 йилда ишлаб чиқарилган автомашина сотиб олганлиги сабабли аризам рад этилди. Шу қонунийми?**

— Ҳа, Сизнинг аризангиз қонуний тартибда рад этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни Ижтимоий ҳимоя ағона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 20-банди “в” кичик бандида ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ишлаб чиқарилган мuddатга 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган энгил автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда болалар нафақасини бериш рад этилиши кўрсатиб ўтилган.



ID КАРТАНИ ЙЎҚОТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БОРМИ?

— **Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда фуқаролик паспортини йўқотганлик учун жавобгарлик белгиланган. Лекин ID картасини йўқотганлик учун жавобгарлик кўрсатилмаган. Қонунчилигимизда ID картасини йўқотганлик учун жавобгарлик борми?**

— Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 233-моддасига ўзгартириш киритилган. Унга кўра, ID картаси ёки хорижга чиқиш паспорти қасддан яроқсизлантирилганлиги ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдоридан жарима жазоси белгиланган.



ЖИНОЯТЧИ АЁЛГА ҚАНДАЙ ЖАЗО ТАЙИНЛАНМАЙДИ?

— **Қонунчилигимизда жиноят содир этган аёлларга жазо тайинлашда қандай енгилликлар бор? Жиноятчи аёлга қандай жазо тайинланмайди? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

— Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига асосан жиноят содир этган аёлларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса, уларга нисбатан озолиқдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Аёлга нисбатан узоқ мuddатга, яъни 20 йилдан ортиқ, 25 йилдан кўп бўлмаган ёки умрбод озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.



АЁЛЛАР ОҒИР ЮК КЎТАРИШИ МУМКИН ЭМАС

— **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 225-моддасининг иккинчи қисмида “Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.” деб кўрсатилган. Шу оғир юкнинг нормаси қанча миқдорни ташкил қилади?**

— Қонунчилигимизда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояланган, албатта. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аёллар учун оғир юкларни қўлда кўтариш ва ташишда йўл қўйиши мумкин бўлган юкларнинг рухсат этилган меъёрлари белгилаб берилган. Унга кўра, аёллар белгиланган миқдордан ортиқ оғир юк кўтариши мумкин эмас.

Хусусан, бошқа ишларга алмашлаб ишлаш шарти билан юкни кўтариш ва кўчиришда унинг вазни 9 килограммдан ортмаслиги лозим.

Иш сменаси давомида доимий равишда кўтариладиган юкнинг вазни 6 килограммдан ошмаслиги керак.

Иш сменасининг ҳар бир соатида ишчи юзадан кўчириладиган юкларнинг

йиғинди вазни 300 килограммдан ошмаслиги керак.

Иш сменасининг ҳар бир соатида полдан кўчириладиган юкларнинг йиғинди вазни 150 килограммдан ошмаслиги керак.

Иш сменаси давомида ишчи юзадан кўчириладиган юкларнинг йиғинди вазни 2500 килограммдан ошиб кетмаслиги лозим.

Смена давомида полдан кўчириладиган юкларнинг йиғинди вазни 1250 килограммдан ошиб кетмаслиги керак.

Икки киши биргаликда замбилда ташиладиган юкларнинг чегаравий вазни 22 килограммдан ошиб кетмаслиги керак. Барча ишларда оёқчали замбиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Битта гилдиракли аравада оғир юкларни кўчиришда юкнинг чегаравий вазни 25 килограммдан ошмаслиги керак. Битта гилдиракли аравада оғир юкларни ташишга фақат сирпанчиқ ёғочда бажарилгандагина йўл қўйилади. Бунда чегаравий кўтариш (энг юқори баландрилкнинг йўлнинг узунлигига нисбати) 0,02 дан ошиб кетмаслиги лозим.

Оғир юкларни уч ва тўрт гилдиракли аравачаларда ташишда юкнинг чегаравий вазни 50 килограммдан ошмаслиги керак, бунда нотекис юзада ташишга чегаравий кўтариш кўрсаткичи 0,01 бўлган ҳолда рухсат этилади.

Оғир юклар икки гилдиракли қўл аравада ташишда юкнинг чегаравий вазни 60 килограммдан ортмаслиги керак. Бунда полнинг текис юзасида ташишга чегаравий кўтариш кўрсаткичи 0,02 бўлган ҳолда, нотекис тупроқ ёки тош йўлда чегаравий кўтариш кўрсаткичи 0,01 дан ошмаган ҳолда рухсат этилади.

Оғир юклар вагонеткаларда ташишда юкнинг чегаравий вазни 300 килограммдан ошмаслиги керак. Бунда кўтариш кўрсаткичи 0.01 дан ошмаган ҳолда фақат релсыларга ҳаракатланишга рухсат этилади.



ЖАЗО МУДДАТИМ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

— **Менга муқаддам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди билан 3 йил мuddатга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси ва мазкур кодекснинг 45-моддаси билан 1 йил мuddатга масъул мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Озолиқдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқдим. Шу ҳолатда менга қўшимча равишда тайинланган 1 йил мuddатга масъул мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг мuddати ўтган ҳисобланадими?**

— Йўқ. Жиноят кодексининг 45-моддаси тўртинчи қисмида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озолиқдан маҳрум қилиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун мuddатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган мuddатга жорий этилади деб кўрсатилган. Шу сабабли озолиқдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин 1 йил мuddатга масъул мансабдорлик лавозимларида ишлашга йўл қўйилмайди.



Саволларга “Мадад” ННТнинг бош мутахассиси Аббор ЭЗОЗХОНОВ жавоб берди.



ТОШКЕНТДАН УЙ ОЛМОҚЧИМАН

— **Қирғизистон паспортини билан ҳам Тошкентдан уй олса бўладими?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сонли қарори билан “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Низомнинг 7-бандига асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг республиканинг бошқа ҳудудларидан келган ҳамда бу ҳудудларда доимий пропискадан ўтган, яшаш гувоҳнома-сини олган чет эл фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг янги қурилган нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 3300 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулкни банк ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда сотиб олишлари мумкин. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий пропискага қўйганлик ва чиқарганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизи миқдоридан давлат божи ундирилади.



ЎҚИМАГАН КУНЛАРИ УЧУН ҲАМ ПУЛ ОЛИНАДИМИ?

— **Қизим болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқийди. Саломатлиги сабаб бир ойдан ортиқ вақтда дарсларга бора олмайди. Мусиқа мактабларида ўқувчининг ўқимаган ойлари учун ҳам ойлик тўлов олинадими?**

— Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан агар бола касал бўлса ва бу ҳақда касаллиги тўғрисида ота-онанинг аризаси ва даволал мусасасасидан ёки худуд шифокоридан олинган маълумотнома бўлса, мазкур кунлар учун тўлов тўланмайди. Агар ўқувчи ўқишга сабабсиз бормаса, борманган кунлари учун ҳам тўлов тўланади.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЯНА БИР МУАММО ХАЛ ЭТИЛДИ

ФУҚАРО Д.Д. вояга етмаган фарзандларига болалар нафақаси тайинлаш масаласидаги аризаси 1999 йилда вафот этган фарзанднинг ўлими қайд этилмаганлиги сабабли ҳал бўлмаётганлиги ва бу масалада бир қанча жойларга бориб сарсон бўлганлигини билдирган ҳолда ушбу муаммони ҳал этишда амалий ёрдам беришни сўраб, Бериуний туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш давомида Д.Д.нинг бир ярим ёшли фарзанди 1999 йилда вафот этганлиги, лекин унинг ўлими ФХДё бўлимида қайд этилмаганлиги ва фарзанднинг ўлимини қайд этиш учун Бериуний туман ФХДё бўлимига мурожаат қилганида рад жавобини олганлиги аниқланди.

Бериуний туман тиббиёт бирлашмасидан 1999 йил марказий касалхона

канализациясида юзага келган авария оқибатида архив материаллари яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли маълумот олишнинг имкони бўлмади.

Мурожаат эгасининг фарзанди Бериуний туманидаги "Султон Увайс бобо" қабристонига дафн этилганлиги туман Ободонлаштириш бошқармасининг маълумотномаси билан тасдиқланди.

Фуқаролик кодексининг 38-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари, яъни тугилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш қайд этилиши керак.

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 20-бандига кўра, агар шахснинг маълум вақт ва маълум ҳолатда вафот этганлигини тасдиқловчи

ишончли далиллар мавжуд бўлса, суд ўлганлик фактини белгилайди. Судга мурожаат қилаётган манфаатдор шахслар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи органларнинг вафот этганлики рўйхатга олишни рад қилганлиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим этишлари лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Бериуний туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд буйруғига асосан Д.Д.нинг фарзанднинг ҳақиқатан ҳам 1999 йилда вафот этганлик факти белгиланиб, адлия аралашуви билан яна бир муаммо ҳал этилди.

Салтанат РАИМБЕКОВА,
Бериуний туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО А.Р. бир неча йиллик меҳнат стажи Пенсия жамғармаси томонидан пенсияга чиқиш чоғида инobatга олинмаганлигидан норози бўлиб, Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Фуқаро ҳақ бўлиб чиқди



Мурожаат ўрнатилган тартибда ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам Пенсия жамғармаси томонидан фуқаро А.Р.нинг бир неча йиллик меҳнат стажи нафақага чиқишида инobatга олинмаганлиги ўз тасдиғини топди.

Яъни, Тошкент шаҳар архивдан олинган маълумотларга кўра, фуқаронинг 1979-1984 йилларда "Tashmo" ва Учтепа туман ободонлаштириш бошқармасида ишлагани ва бу ташкилотларда меҳнат стажига эга эканлиги тасдиқланди.

Туман адлия бўлими томонидан кўрилган чоралар натижасида фуқаро А.Р.га пенсия қайта ҳисоб-китоб қилиниб, жами 35 йил 4 ой иш стажи билан пенсия тайинланиши таъминланди.

Фарҳод АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи



КАШҚАДАРЁ

ЎҚИТУВЧИНИНГ НОРОЗИЛИК КЎНФИРОҒИ САЛКАМ 9 МИЛЛИОН ФОЙДА КЕЛТИРДИ

ҚАРШИ шаҳридаги А.Темур маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Фахриев Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га кўнғироқ қилиб, Қарши шаҳридаги олий таълим муассасасида ўриндошлик асосида инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишлашни, бироқ унга ўриндошлиги учун таълим муассасасидан устама пуллари тўлаб берилмаётганлигини билдирган.

Мазкур мурожаат вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам инглиз тили ўқитувчиси Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан устама тўланиши кераклиги аниқланди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан олий таълим муассасасига тақдимнома киритилиб, Н.Фахриевга 8 миллион 778 минг 863 сўм миқдорда тўланмай қолган устама пули тўлаб берилди.

Элнур ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

СИРДАРЁ



"Ўзагросуғурта" ЎЗИДАН КЕТТИ-МИ?

"ЯНГИОВОД тиниқ балиқлари" балиқчилик фермер хўжалиғи тadbиркор А.Исмоилов томонидан 2019 йилда ташкил этилиб, "Ипотека банк" Сирдарё филиали ўртасида балиқчиликни ривожлантириш мақсадига 2019 йил 27 мартда кредит шартномаси тузилган ва кредит гарови таъминланган. Гаровга қўйилган мулк 2019 йил 27 март куни "Ўзагросуғурта" АЖ Сирдарё вилоят филиали Сайхунобод сугурта маркази томонидан сугурталанган.

2021 йил 13 апрель куни сугурталанган шийпон ва ён атрофдаги қурилмаларда ёнгин содир бўлган. Бу ҳақда сугурта қилувчига ўз вақтида хабар берилган бўлса-да, сугурта товон пули тўлаб берилмасдан рад қилинган.

Шундан сўнг тadbиркор Гулистон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятидан 208 миллион 960 минг сўм компенсация (товон) пулини ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 915-моддасида "Мулкий сугурта шартномасига мувофиқ бир тараф шартномада шартлашилган ҳақ эвазига шартномада назарда тутилган воқеа содир бўлганда бошқа тарафга ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга бу ҳодиса оқибатида сугурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд сугурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олиши" белгиланган.

Шунга кўра, шаҳар адлия бўлими асосли далилларни илова қилган ҳолда Сирдарё туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритди. Суднинг 2022 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво аризаси қаноатлантирилди ва балиқчилик фермер хўжалиғи ҳисобига 208 миллион 960 минг сўм компенсация пули ундирилди.

Назар ҚАРШИБОВЕВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ЖИЗЗАХ

ЖИЗЗАХ шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи бўлимида ишлаб келган З.Асқарова ва Ж.Ҳазратқуловлар ташкилот билан ўрталарида тузилган меҳнат шартномаси асосида равишда бекор қилинганлигидан норози бўлиб, шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Келишилмаган буйруқ бекор қилинди



Аниқланишича, З.Асқарова ва Ж.Ҳазратқулова 60 ёшга тўлган бўлса-да, шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи бўлими томонидан ходим пенсия ёшига тўлган, деган ваз билан меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунча ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш бериувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш таққиланади.

Шунингдек, ушбу ҳолатда бўлим томонидан Президентимизнинг 2021 йил 29 июндаги Қарори талаблари ҳам бузилган. Яъни бўлимнинг меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги тегишли буйруқлари Жиззах шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази билан келишилмаган ҳолда қабул қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан шаҳар адлия бўлими томонидан З.Асқарова ва Ж.Ҳазратқуловани ишга тиклаш юзасидан Жиззах вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи бошқармасига тақдимнома киритилди. Натижада Жиззах шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи бўлимининг тегишли буйруқлари бекор қилиниб, ходимлар ишга тикланди.

Абдурауф АБДУШУКУРОВ,
Жиззах шаҳар адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

СИЗ ТИНЧЛИКНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?



Турсунбой бобо ИСАНБЕКОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 ёшда. Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида истиқомат қилади:

Уч ака-ука урушга кетдик.

КИЧИК АКАМ ҚАЙТМАДИ...

— ДУНЁДА тинчлик-осойишталикдан улугроқ нёма, бахт йўқ. Мен уруш кўрган инсон сифатида буни баралла айта олам.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда мен ўн беш яшар бола эдим, колхозда аравақашлик қилардим. Далада етиштирилган бугдой дейсими, мева-чева, сабзавот ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари бўладими, ҳаммасини фронтга етказиб берардик. Шунинг учун корнимиз тўйиб овқат емасдик. Аввал катта акам Ҳомиджон, кейин Олимжон акам урушга кетишди. Мен эса 1944 йилда жўнадим. Ўшанда бир эмас учта ўглини урушга кузатган раҳматли онам

Хайринсонни қай аҳволда тушганини тасаввур қилаёйсизми?

Акаларим Белоруссияда бўлишди. Мен Украина фронтда — 368, 309 ва 52-ўқчи полкларда жанг қилдим. 1945 йил 9 майда биз Берлинда эдик. Ғалабани нишонлаганимиздан кейин бир hafta-ўн кун ўтиб, бизни поездга ўтказиб Япон урушига олиб кетишди. Монголия, Япония ва Хитойнинг Дарен деган жойларида бўлдим. 1950 йилда уйга қайтдим. Ҳомиджон акам ҳам қайтиб келди, лекин кичкина акам Олимжон урушда ҳалок бўлди. Агар уруш бўлмаганида у ҳам мен сингари ҳаёт кечириб, пиру давават бўлиб юрмасиди? Мана, тинчликнинг кадри.

У кунларни биз кўрдик, фарзандларимиз, набираларимиз кўрмасин.

Бундан 3 йил аввал — 2019 йил 6 май кuni Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, дилдан суҳбатлашдик. Юртбошимиз ҳар биримиздан алоҳида ҳол-аҳвол сўраб, биз билан узоқ суҳбатлашди. Кейин бизга пул мукофотларини топширди. Бунақаси ҳеч бўлган эмас. Шунинг учун у кишидан жуда миннатдоримиз, барака топсин. Ҳозир рафикам Ҳабибахон, 3 ўғил, 5 қиз, 28 та набира, 44 та чевара ва эвараларим қуршовидаман.

Бугун юртимиз тинч, чегараларимиз мустаҳкам. Уйимиз, хирмонларимиз донга тўла, нон сероб. Юртимиз обод, бозорларимизда тўкин-сочинлик. Бундай кунларнинг кадрига етиш, ҳаминша шукроналик билан яшаш керак. Бунақа юртда яшашнинг ўзи катта бахт.

УРУШ БИЗНИНГ БОЛАЛИГИМИЗНИ ЎҒИРЛАГАНДИ...

— БОЛАЛИГИМ Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўтган. Оталаримиз, акаларимиз урушга кетган, егани нон йўқ, оёқлангизми. Қишлоқлар хувиллаб қолган, оналаримиз бугдой ўради, далада ишлайди. Устимиз юпун, корнимиз оч, кийгани оёқ кийимимиз ҳам йўқ. Ҳамма нарса фронтга жўнатилади. Фронт ортида аёллар, болалар, кексалар. Ҳеч ким тинч-хотиржам эмас. Уйимизда ҳам, қалбимизда ҳам ҳаловат йўқ. Уруш қанча одамнинг ёстигини қуритган бўлса, шунча одамни бахтидан, болалигидан жудо қилди. Фронт ортида турганларнинг захмати уруш захматидан кам бўлгани йўқ. Биз — болалар уларга қанчалар оғир бўлганини кўрганмиз. Яшаш осон бўлмаган.

Нихоятда оғир йиллар эди. Болалигимиз шундай нотинч йилларга тўғри келди. Уруш тугади деган гапни эшитиш оналаримиз учун чексиз бахт, биз учун энг катта хурсандчилик бўлган. Яраланган бўлса-да, бир қўли, бир оёғи бўлмаса-да фронтдан омон қайтган оталаримиз, акаларимизни кўриш ҳаммамиз учун бахт эди.

Урушдан қора хат келганда ҳам ҳар кун эшик қараб, бахтини кутганларни кўриб, юрагимиз эзиларди. Уруш болалигимизни ўғирлаб, бизни катта одамдай фикрлашга, ҳеч нарсалдан кўркмай яшашга, кўпроқ ишлашга, тинимсиз меҳнатга ўргатди. Бола калбимиз билан урушнинг шундай ҳис қилганмиз. Уруш қанча оналаримиз, оналаримизнинг бахтини ҳазон қилди. Болалигимизни эсласак, урушни эслаймиз, йўқотишларни эслаймиз, кийинчиликлар, бир бурда ноннинг кадрини ҳис қиламиз.

Тинчлик йўқ жойдан барака қочади. Нотинч юртда одамлар хотиржам яшамайди. Урушдан энг кўп оддий халқ азоб чекади. Парокандалар қанчадан-қанча одамларнинг нотинчлигига, оналарнинг бахтсизлигига сабаб бўлади. Ўзим бир пайтлар афгон қозиларининг малакасини оширишга бошчилик қилганман. Бу халқнинг имли ёшлари кўп эди. Қўшни Афғонистондаги нотинчликлар оддий одамларнинг умрига, ана шундай ёшларнинг бахтига



Ҳалим БОБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори:

зомир бўлди. Узоқ йиллар хотиржам яшамаган халқнинг силласини қуритди. Қанча бегуноҳ одамлар, болалар, аёллар шахид бўлганига туювчи.

Украинадаги уруш ҳам бугун бутун дунё ақлини ўйлантирапти, тинчликнинг кадрини тушунишга ундаяпти. Қанча бинолар вайрон бўлиб, обод ўлка вайронага айланиб қолди. Урушдан энг кўп болалар, аёллар, кексалар, яна оддий халқ жабр кўраяпти. Уруш ҳеч қачон бахтни ваъда қилган эмас! Тинчлик-хотиржамлик бўлмас экан, ҳамма орзу-умидлар барбод бўлади. Инсоният урушдан воз кечмас экан, бахтли бўлолмайди.

Ҳазрат Навоий бежизга бундай ёзмаган: *Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ёр ўлунг бир-бирингизгакам эрур ёрлиг иш.* Буюк шоир тинчликнинг кадрини шу икки мисрада айтиб, одамларни тинчлик-хотиржамликка, тотув, аҳил яшашга чақирган.

БОШИНГДА ЎҚ УЧИБ ТУРСА...

— БОШИНГДА ўқ учиб турса, бир кулгум сув томоғиндан ўтмайди. Бир тишлам нонни қўя турайлик, ҳа, сув ҳам ўтмайди. Қўруқ ва қараклик ичингни емирдиб ташлайди. Мен бу ҳолга кўп тушганман. Бир мен эмас, барча қуролдош дўстларимиз бу ҳолатни яхши ҳис қилишди. Уруш ёмон, одамнинг ҳаётини издан чикариб юборади. Ҳеч бир халқ урушни кўрмасин. Айниқса, жангда қатнашганлар умуман ўзларини йўқотиб қўйишади. Одам ўлдириниш шунчаки бир ишга айланади. Одамнинг ҳайвондан фарқи қоладики, унда? Ҳа, одам ёвузлашиб кетади, ҳеч нарсани англамай қолади. Нима ҳам қилардинг, сен ўлдирмасанг сени ўлдирнади.

Мен икки йиллик умримни ҳаётимнинг барча йилларидан кўра ҳам кўпроқ чўзилиб кетгандай ҳис қиламан. Ханузгача унутолмайман. Ҳар кун энди ўлсам керак, энди ўқка учсам

керак, деб ўйлаганларимни эслаш бугун ҳам дахшатли туюлади.

Очингани айтай, бугунги тинч кунларимиз роҳат-фароғат, бахт эканини англамайдиغان одамларни кўриб хайрон қолам. Шу ҳам одам боласимикан, деб ўйлайман. Наҳотки, тинчликнинг кадрига етиш учун одам фарзанди урушнинг кўриши керак бўлса? Майли, сувнинг кадри сувсизликда, ноннинг кадри очликда билинар, лекин тинчликнинг кадрини ҳис қилиш учун инсон урушни кўриши шартмас. Баъзилар эса тинчликдан гапирсак, “мусаффо осмон”ни гапиргунча у нарсамизни, бу нарсамизни тўғри-лаб беришсин, у нарса йўқ, бу нарса йўқ, деб нолишади. Нолишса нолишавермайди, лекин киноя билан “мусаффо осмон”ни мактаб-верма, дейишганига чидаб турулмайман. Ҳей, ноинсоф, агар тинчлик бўлмаса, сен сўраётган нарсаларнинг биттаси ҳам бўлмаслиги аниқ-ку.

Наҳотки, фаросатинг шунга етмаса?..

Ҳозир кўриб турибмиз, Украинада уруш кетаяпти. Одамлар ўлаяпти. Ҳар икки томондан ҳам жангчилар ўлаяпти. Очарчилик, вайронагарчилик бошланди. Бундан ортик дахшат бўлиши мумкин-ми? Тинч аҳоли, гўдакларнинг айби нима? Умуман, урушда ҳеч бир томон манфаат кўрмайди, қурбонлар, одамларнинг кўз ёши эвазига келган ғалабанинг ғалабалиги қолади-ми? Шунга анласак бас.

Кўз тегмасин, тинчлигимизга. Одамларимиз тинч-осула, яшасин. Ҳар биримизнинг дилимизда тинчликни улуғлаш фикри бўлса, шунинг ўзи катта гап. Болаларимиз мактабга бораёпти, мактабдан келаяпти, талабалар ўқияпти. Ўзимиз уйимиздан тинч кайфиятда ишга борамиз. Шу оддийгина бўлиб туюлган нарсаларнинг ўзи бахт эканлигини тушуниб етайлик.



Кўчкор НОРҚОБИЛ, Афғон уруши иштирокчиси, ёзувчи:

УРУШ НИМА? ТИНЧЛИК-ЧИ?

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Кичик ҳикоялар



Иншо

Бола тинчлик мавзусида иншо ёзди; бор-йўғи олти қаторгина.

“Онам сигир соғадилар. Нон ёпадилар. Мен ва укаларим иссиқ нонни синдириб сут косага соламыз. Бу — Тинчлик! Яхши. Онажоним Отажонимга нон ушатиб берадилар. Отажоним нонга чап қўлини узатадилар. Ўнг қўлини афгон уруши еган. Уруш — ёмон! Бизнинг уйимизда Тинчлик ва Уруш ёнма-ён яшайди...”

...Муаллима бу битикни ўқиб юм-юм йиғлади.

Моҳият

— Вася, майли, қуриб кетсин, амаким айтган ўша ўқ заводига ишга кирсанг бўларкан.
— Настя, эсинг жойидами? Ахир бизнинг фарзандларимиз бор-ку! Учови ҳам ўғил!
— Нима қипти?
— Ахир ўша ўқлар барибир бир куни отилади-ку...

Ёзув

Қизалок олти ёшда.
Дийдаси тош эди.
Деразадан ташқари қаради.
Кўчада уруш.

Пардани тортиди.
Оғир-оғир юриб стол ёнига келди. Тик турган алфозда оппоқ коғозга ажи-бужи қилиб ёзди: “Кетдим. Уруш тугаса менга хабар беринглар. Қайтиб келаман...”

Қизни онаси олис-олисларга олиб кетди.
Вақт ўтди. Вақт учди. Ўша олис-олисларда бир қабр пайдо бўлди.
Қабртошда ажи-бужи харфлар билан шундай ёзилганди: “Кетдим. Уруш тугаса хабар беринглар. Қайтиб келаман...”



Жангчининг туфлиси

Унинг бир оёғи йўқ эди. Қўлтиктаёқни курси четига қўйиб, сотувчи қиздан энг қиммат туфлининг бир пойини узатишни сўради.

Туфли лоп-лойик келди. Сотувчининг галати ахволга тушганини сезиб, шоша-пиша шундай деди:

— Хавотирланманг, нариги пойини ҳам оламан. Унисини Воронеждаги ошнам Володяга жўнатаман...

Сотувчи қиз титраб кетди.

Жангчи жилмайди. У дўконлардаги бундай ҳолатларга кўникиб қолган эди.

Этикчалар

Бу урушда этикчалар эгасиз қолди.
Аёл этикчаларни хона бурчагига олиб бориб қўйди.
— Қани ўгирилиб тур, — дея этикчалар тумшугини деворга тақади.
Эгасиз этикчалар девор бурчида чорак соат турди.
Аёлни раҳми келди:
— Бошқа тўполон қилмагина, хўпми?! У этикчаларни кўксига босди. Сўнг стулчага олиб келиб қўйди:
— Қани, энди овқатингни еб ол!
Аёл этикчаларга узоқ тикилиб турди. Нимадир ёдига тушгандай бўлди. Сўнг... сўнг... чинқириб йиғлаб юборди.
Этикчалар соҳибаси бор-йўғи олти ёшдагина эди.

Урушининг сурати

Дўстимнинг ҳикояси

Ёлғиз — ёлғиз ўғил. Ғулум бобо билан Ойсара холанинг ёлғизи, ортида қоладиган ёруз изи.

Ҳарбийга қақриув келди. Ёлғизни афгон урушига олиб кетишди.

Хола кўп йиғлади. Холанинг кўзи хира тортиди. Хола кўрмай қолди. Хола: “Ҳали ўғлим келса, кўзим очилиб кетади”, — деб кўярди.

Соғинч дарди, таҳлика азоби холанинг ич-ичини ҳам кўйдириб кетди. Бир йил ўтар-ўтмай хола омонатини эгасига берди.

Ғулум бобо букчайиб қолди.

Икки кўзи эшикка қадалди. Фақат эшикни кўрди. Ёлғизнинг йўлига тиклиди икки кўзи.

Пахса деворга омонат илинган пастак эшик тиқ этса бобонинг юраги шиғ этади. Жони халқумига келади. Нураб,

тўкилиб кетаман деб турган озурда кўҳна кулбадан отилиб чиқиб, ялангоёқ юргүрлайди. Овулдошу кўни-кўшни далда беради: “Келади бобо, келади, Ёлғизингиз келади...”

Ёлғиз келмади. Темир тобути келди.

Эл-эломан бир қалқди — уввос урди эл-эломан: “Нотан-ти тақдир, келиб-келиб шугина

ёлғиз чолнинг Ёлғизига чанг соласан-ми?”

Бобо гарангсиз қолди. Эси кирди-чиқди бўлди.

Орадан бир hafta ўтиб бобонинг қошига қишлоқ мактабининг директори келди.

— Мактабни ўғлингиз Ёлғиз Тўраев номи билан атаймиз. Қабрига мраммартшо ўрнатиб, таъзиянома ёзмоқчимиз.

Чол унга ўқрайиб қаради. Ичкари уйга кириб кетди.

Эни-бўйи ярим қулоч келадиган мраммарт лавҳ олиб чиқди. Директор мраммарт лавҳга ўралган суратни — Ёлғизнинг суратини ҳамда “Мен отамдан

олдин ўлганман...” деган ёзувни кўрди. Кўз олди қоронғулашиб, ич-ичидан ўкирик келди. Ўзини зўрға тийиб ихради.

— Узр, бобожон, узр.

— Уф-ф... Кеча... Кеча район марказига бориб, ўзим тайёрлатиб келдим. Шунга қўяман, — деди бобо.

Бобонинг жони тош экан. Бобонинг боши тошдан экан. Бобо яшади. Узоқ яшади. Бу ҳаётга қасдма-қасд яшади. Ўтган йили юз ёшга яқинлашиб қазо қилди.

Хотира ва Қадрлаш байрамида қишлоқда бўлдим. Қабристоннинг кунботарида

Ёлғиз ётган қабр бошига келдим. Аскар кийимида жилмайиб турган ўғлоннинг сурати тагида: “Мен отамдан олдин ўлганман...” деган ёзувни ўқидим. Ўзимни қўлга олдим.

— Ана, ёнидаги Ғулум отанинг қабри, — деди кўшним. Қабр бошидаги мраммарт лавҳдаги:

“Мен боламдан кейин ўлганман...” деган ёзувга кўзим тушди. Энди ўзимни тўтолмадим. Қабр пойида чўккалаб ўтирдим-да, кафтим билан юзларимни тўсдим. Ичимдан кўприб тошган оғрикли бўронни тўхтатолмадим...

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

2021 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Маъмур Қонун Ўзбекистон қонунчилиги тарихида янги саҳифа очилди аниқ.

КЎРСАТУВЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ

Қонун билан “Кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш” деб номланган янги амалиёт жорий этилди. Кўрсатувларни олдидан мустаҳкамлаб қўйиш — гувоҳ ва жабрланувчини ишни судга қадар юритиш bosкичида прокурорнинг илтимосига кўра сўроқ қилиш бўлиб, суд томонидан амалга оширилади. Амалиётдан маълумки, баъзан бир неча ойлаб давом этадиган тергов ва суд жараёнларида гувоҳлар ёки жабрланувчилар бошдан охиригача тўлиқ иштирок эта олмаслиги мумкин. Иссик жоннинг иситмаси бор, деганларидек, турли касалликлар ва бошқа оқибатлар туфайли гувоҳлардан бири ёки жабрланувчи энг керакли пайтда терговда иштирок этолмай қолиши мумкин. Тергов жараёни мукамал бўлишига ҳаалакит берувчи юқоридагиларга ўхшаш ҳолатлар вужудга келганда, гувоҳ ёки жабрланувчини ишни судга қадар юритиш ёки суд мухокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади, деб таҳмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда тергов органи гувоҳлар ёки жабрланувчилардан бирининг кўрсатуви мустаҳкамлаб қўйиш масаласида судга muroжаат қилиш, суд тергов органи келтирган асосларни ўрганиб чиққач, тегишли тартибда кўрсатувни мустаҳкамлаб

қўйиши мумкин. Қонунда кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш асослари, тартиби, шартлари батафсил кўрсатиб берилган.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ — МУҲИМ ЯНГИЛИК

Қонунчиликка жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, деб номланган яна бир муҳим янгилик киритилди. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув — жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов далолатномаси ёки ҳулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурилов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Судья жиноят ишини қабул қилиб олгач, аввало унинг ўзи фаолият юритаётган суд судловига тегишлилигини аниқлайди. Кейин жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш масаласини кўриб чиқади. Ана шу ерда ҳақиқий мураккаблик юзага келар эди. Судья яқка тартибда, тарафлар иштирокисиз жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлаши деярли имконсиз ҳолат. Шу пайтда тарафлар иштирок этганде тортишув ҳолати юзага келади ва тўғри ҳулосага келиш мумкин бўлади. Амалиётда шундай



эдики, судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турса-да, ноилж жиноят ишини судда кўриш учун тайинлар эди. Сўнг суд мажлисида — тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинарди. Бу эса қандайдан-қанда оворагарчилик, иш вақти, суд ходимларининг беҳуда меҳнатидир.

Демак, дастлабки эшитувнинг жорий этилиши суд, дастлабки тергов органилари ҳамда фуқароларнинг вақти ва саёй-ҳаракатларининг тежаллиши, жиноят ишлари юритишда жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тез фурсатда тикланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича айбга иқрорлик тўғрисида келишув жорий қилинди.

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув айрим топфадаги жиноятлар бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноят ишини юритишнинг ўзинга нисбатан қўйилган гумона, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўл-

маган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Қонунда бу жараённинг тартиблари мукамал белгилаб берилган.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — айбланувчининг содир этган жиноятни юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шунинг баробарида, кўплаб сансалоқланганга сабаб бўладиган узок давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдан иборатдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят содир этишда гумон қилинган шахс билан прокурор ўртасида тузилади. Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи айбловни тан олган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим.

Қонунчилигимизга биноан жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқрорлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда жиноят бўйича тайинланадиган жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида ёки қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмини ошмаслиги керак.

**Бекзод ЖУМАОБОВ,
Самарқанд вилоят суди судьяси**

Суд залидан



Буни бутун бир авлодга етиб ортуғлик шармандалик эканлигини ўйлаб, йигитнинг ранги ўчди. Ундан кўра ёпиғлик қозон ёпиқ қолиб, уйланиб кўя қолгани маъқул.

Туй ҳам ўтди. Аммо ота-онага қўлоқ солмай, тарбиясизлик билан бошланган йўлнинг охири оғир бўлди. Зўрма-зўраки қурилган оила узокка бормасди. Ҳатто фарзанд ҳам бу оилани мустаҳкамлаб олмади, она барбод бўлди. Аёл ота уйига кетди.

Мастана боласи туғилиши билан эридан алимент ундириш учун ариза берди. Акбар ҳеч қаерда ишламасди. Алимент эса ошгандан ошиб борар, Мастана эрини таъқиб қилар, қаерда бўлса алиментнинг мोजаросини қиларди. Алимент миқдори эса 23 миллион сўмга етиб қолганди. Бу орада Акбар бир марта судланди. Алиментни тўлаш учун ишламаса бўлмаглигини тушунди.

Айни баҳор куналарида Мастана Акбар ишлаётган жойга бориб уни чақиртирди. Бу ташири сабабини билган Акбар жанжаллашиб қолмаслик учун унинг ёнига чиқмади. Мастана эса хотин кишилигига бориб, эри билан ишлаётган аёлларга нима деса деди. Табиийки, бу “ёқимли” таширлар Акбарнинг қўлоғига етиб борди. Аламинин вақтинча ичига ютди...

— Сой бўйига чиқ, 8 мартга байрамлик олиб борман, умрингда бунақасини кўрмагансан, — дедя уни учрашувга таклиф қилди Акбар.

Аёл киши ширин сўзнинг гадоси, дейишди. Аёл қанчалик маккор бўлмасин, алданди, ишонди. Эрининг чорловини байрамдек қарши олиб сой бўйига чиқди. Учрашув жанжал билан бошланди.

— Сен билан яшайман дегандим-ку, нега гапни кўпайтираясан? — деди эркак.

— Яшаш, яшамаслигининг менинг қўлимда шуни биласанми?! — паст келмади аёл. — Шундай иш қиламан, отанг менга “Ўғлимни каматма”, деб ялинади!

— Шунақами?! — асли шум ният билан борган Акбарнинг бу гапдан кўзи қонга тўлди. — Сени ўлдирмагунимча қутулмайман чоғи! — деган ҳаёлга борди.

У Мастонанинг бўғиздан олди. Аёл тиричилиганча унинг қўлларига ёпишди. Аммо ожизлик қилди...

Акбар хотинининг телефонини олиб ундаги барча маълумотларни ўчириб, телефоннинг ўзини ҳам ўчирди. Аммо вилдон азоби уни ўзини ҳуқуқни мухофаза қилиш органи ходимлари қўлига топширишга мажбур қилди.

Ёш йигитнинг адалиши ана шундай фожиали яқун топди. Ўз умрини ҳазон қилган ёш аёл ҳаётдан кўз юмди. Ўн етти ёшли йигитнинг бу ҳатоси 17 йил муддатга озодликдан маҳрум бўлиш билан “ювлядиган” бўлди. Бир норасида тўдақ эса тирик етимликка маҳкум бўлди.

**Абдурауф МИНОЖИДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди судьяси**

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Шайхонтоҳур туманида жойлашган 113-умумий ўрта таълим мактабининг 4 нафар ўқувчиси ҳамда ўрта таълимотга эга бўлган икки йигитнинг иши яқинда суд томонидан кўриб чиқилди.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ НЕГА СУДЛАНДИ?

Судланувчилар Назар Юсупов, Қобил Тохиров (исм-шарифлари ўзгартирилган) ва уларнинг шериклари олдидан тил бириктириб, Юнусобод тумани “Марказ-6” дахаси атрофида каровез қолдирилган “Спарк” русумли автомашинани эшигини ўзлари билан олиб кетган қайчи билан бузиб очинишди. Автомашинани салонига баҳоси 300 АҚШ доллар бўлган қуллоқчинни (наушник) олиб, воқеа жойидан яширинишди. Улар жноий харақатларини давом эттириб, тунги соат 02:30 ларда Учтепа тумани 14-мавзе 3-уйининг олдида Х.Ҳасанов томонидан каровез қолдирилган “Нексия” русумли автомашинани эшигини ҳам бузиб очинишди. Хайловни уларнинг харақатини сезиб қолганлиги сабабли бузуқ ниятларини амалга оширолмай, воқеа жойидан яширинишди. Тонгга яқин улар худди шу атрофда каровез қолдирилган “Спарк” русумли автомашинани эшигини бузиб, салонда бўлган 180 000 сўм пул, баҳоси 80 000 сўмлик кўзойнак ва 300 000 сўмлик қўл соатини ўғирлаб, жуфтакни ростлашди.

Худди шундай жиноятни улар Яшнобод туманида ҳам содир этишди. “Боткина” кўчаси олдида каровез қолдирилган “Спарк” русумли автомашинани эшигини бузиб, салонда бўлган 1 100 АҚШ долларини ўғирлаб, воқеа жойидан қочишди. Жиноий гуруҳ аъзолари Миробод тумани “Афросиёб” кўчасида, шунингдек яна бошқа бир манзилда каровез қолдирилган “Нексия-2”, “Ласетти” ва “Спарк” русумли автомашиналар эшикларини бузиб, салонда бўлган уяли алоқа воситалари ва пул маблагларини ўғирлашган.

Суд воқеа етмаганларга жазо тайинлаш масаласини мухокама қилиб, ҳукм чиқарди. Энди савол туғилиди: нега мактаб ўқувчилари ўғирлик жиноятини содир этди, нега ота-оналари ярим кечаси уйдан чиқиб кетган фарзандлари билан қизиқишмаган?

Демак, тарбияда кемтиклик бор, демак таълим олиш эътибордан четга қолган. Ана шу оғрикли саволлар ҳар биримизни ўйлантириши керак. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун нафақат ота-оналар, балки мактаб, маҳалла ҳам доимо воқеа етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни мунтазам ўтказиб туриши керак. Ёш авлод тақдир ва келажикига ҳеч биримиз бефарқ бўлмамлигимиз керак.

**Шоҳидёр ШЕРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси**

Ўн етти ёшли йигитнинг ҳатоси

УНИ ЕТТИ ЙИЛГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛДИ

АКБАР (исм-шарифлар ўзгартирилган) 17 ёшида тузатиб бўлмайдиган ҳатого ўй кўйди. Ундан 8 ёш катта аёлга “ошиқ” бўлди. Афсуски, ўрталаридаги муносабатда муҳаббатдан асар ҳам йўқ эди. Аммо ёшлиқнинг тор йўлида тарбияси тўғри йигитнинг кўзи бошқани кўрмас, қўлоғига ҳеч кимнинг сўзи кирмасди. Бундан хавотирланган отаси ўғлини тўғри йўлга солиш мақсадида уни Россияга олиб кетди. Афсуски, бу ҳам фойда бермади.

Йигит Мастанага уйланишга мажбур бўлиб қолгандагина уни севмаслигини, хато қилаётганлигини англади. “Уйланмайман сенга”, деб айтди. Бирок энди пушаймондан фойда йўқ, киз томонда “яшил чироқ” ёнганди. — Яхшиликча уйланмасанг, ўзингдан кўр, қонунга muroжаат қиламан, мени зўрлаган деб айтман! — дедя таҳдид қилди аёл.

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Энг улуг ва барокатли ой

Абу Хурайра розияллоху анху айтади: "Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларига хушхабар қилиб, айтди: *"Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ сизга унинг рўзасини тутганини фарз қилди. Бу ойда жаннат дарвозалари очилур, жаҳаннам қопқалари ёпилур, итосиз жин-шайтонлар занжирбанд қилинур. Бу ойда бир кеча бўлиб, у минг ойдан яхшироқдир. Ким ўша кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, демак у маҳрум бўлибди"*.

Рамазон ойи ва унда минг ойданда яхшироқ бўлган Қадр кечасининг фазли Аллоҳ таоло томонидан биз умматларга берилган бебаҳо неъматидир. Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам қадр кечасини улуглаб, марҳамат қилганлар: *"Кимки Қадр кечасида имон-этиқод, қаноат ва ишонч билан тутса, олдинги гуноҳлари кечирилади, кимки Рамазон рўзасини имон-этиқод ва ишонч билан тутса, олдинги қилган гуноҳлари кечирилади"* (Имом Бухорий ривояти).

"Тўрт кечанинг кундузи ҳам кечаси каби фазилатлидир. Аллоҳ таоло бу кунларда дуо этган кишининг дуосини рад этмайди, уларни мағфират этади ва улар бу кун мўл эҳсонга эга бўладилар. Булар қадр кечаси, арафа кечаси, бароат кечаси, жума кечаси кунларидир." (Дайлабий)

Салмони Форсий розияллоху анхундан ривоят қилинади: *"Шаъбон ойининг охири кун Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизларга хутба ўқиш шундай де-*

дилар: "Эй одамлар! Сизларга энг улуг ва барокатли ой келмоқда. У ойда бир кеча борки, у минг ойдан афзалдир. Аллоҳ таоло у ойда рўза тутганини фарз, кечаси намоз ўқганини нафл қилган. У ойда кимда ким бу ойда бирор фарз амалини адо этса, бошқа ойда фарз амалини адо қилган билан тенг бўлади, кимда ким бу ойда бирор фарз амалини адо этса, бошқа ойда етмишта фарз амалини адо қилган билан тенг бўлади. У сабр ойи. Сабрнинг мукофоти эса жаннатдир. У хайр-эҳсон улашладиган ой. Бу ойда мўминнинг риқзи келмади. Кимки бу ойда бирор рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилади ва дўзахдан озод бўлади. Шунингдек, унга ҳам рўздорнинг савобидан ҳам бўлмаган савоб берилади". Шунда биз: *"Эй Расулulloҳ! Ҳаммамиз ҳам рўзадорга ифторлик қилиб бера олмаймиз-ку"* — дедик. Расулulloҳ с.а.в.: *"Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга битта хурмо ёки бўлмаса бир хўплам суе билан ифторлик қилиб берган кишига беради. Кимки рўздорни қорнини тўйғазса, Аллоҳ қиёматда унга Ҳавзи қавсардан бир қўлтум суе ичиради, натижада у то жаннатга киреунча чанқамайди"* — дедилар.

Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган бешта Ислоҳ арконлари инсониятни баркамолликка етакловчи буюк таълимот бўлиб, буларнинг ичиде рўза ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Инсон рўздорлиги туфайли ҳам руҳий, ҳам жисмоний покликка эришади, сабр-қаноатли ва

тўрт буюк неъмат — моддий, сиххий, маънавий ва ахлоқий неъматлар соҳибига айланади.

Ҳар бир нарсанинг одоби бўлгани сингари, мана бу ойнинг ҳам ўзига яраша одоби бор.

Шундай одоблардан бири бу аввало мўмин-мусулмонлар ўрталарида меҳр-мурувват, ўзаро ҳамжиҳатлик зиёда бўлиши учун бир-бирдан хабар олишлик лозим бўлади. Қолаверса, кексаларни зиёрат қилиш, ўзаро низолашганлар бўлса, уларнинг ўрталарини ислоҳ қилишлик, кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг дуоларини тилашлик, қабристонларни зиёрат қилишлик, ўтганларнинг ҳаққи-га дуои хайрлар қилишлик шариати-миз кўрсатмалариандир.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки:

"Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир. Саломга алик олиш, касални бориб кўриш, жанозага эришши, тақлиф этса бориш ва акса ураувчига яхшилик тилашдир".

Яна бир одоблардан бири бу Ҳақ субҳонаху таоло Уз каломиде ҳамда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларида баён этган буюк амаллардан бўлмиш динимиз белгиси бўлган Аллоҳнинг уйлари — масжидларни обод қилиш ва уларни яхши ҳолатда сақлашликдир.

Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қиладилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилиб:

"Кимки бирорта масжидда чироқ ўрнатса-ю, унинг нури ўша масжидни ёриштириб турар экан, фаришталар, ҳатто Аршии кўтариб турувчи (фаришталар) ҳам унга истиғфор айтиб туришади" — деган эканлар.

Аллоҳга беадад шукрлар айта-мизки, юртимиздаги барча масжидларимиз кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Аллоҳнинг уйлари шинам, қишу ёнга мослашган бўлиб, намозхонлар хотиржамликда ибодатларини адо этиб келмоқдалар.

Рамазон ойида қилинган эзгу амаллар Яраттанинг хузурида бошқа ойларда қилинган амалларга нисбатан фазилати ўзгачароқ. Шунинг учун ҳам Муборак ойнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиб, ҳаётимизни Қуръон нурлари билан ёритайлик. Рамазон муборак, азизлар!

Муҳаммад БАҲОДИР,
Тошкент шаҳридаги "Кулол-Қўрган"
жоме масжиди имом-ноиб

Давоми. Бошланиши 1-бетда



9 АПРЕЛЬ —

Соҳибқирон Амир Темур
таваллуд топган кун

"Салтанатимнинг у четидан бу чети-га-ча бирор болақай бошида бир лаган тил-ла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донаси-га ҳам зарар етмайди-ган тартиб-интизом ўрнатдим".

"Адолат ва инсоф билан Тангри-нинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳқорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва кўриниш орасида тутиб турдим. Фуқаро ва қўл остимдагилар-га раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим.

Золимдан мазлумнинг ҳақини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатта мувофиқ иккиси ўртасида муно-кама қилдим ва бир гуноҳқорнинг ури-га бошқасига жабр-зулм етказмадим".

"Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмон-ларни эса ўз ёмонлиқларига топшурдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказ-ганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазар-ру қилиб келгач, хурматлаб, ёмон қилмиш-ларини хотирамдан ўчиридим".

"Даулатим ишларини тўра ва тузукка асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим..."

"Темур тузуқлари"дан

ЭЪЛОНЛАР

Navoiy viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 1-martdagi 33-um-sonli buyrug'iga asosan advokat Bozorov Nurali Davlatovichning advokatlik maqomi tiklandi hamda 2022-yil 3-martdagi 37-um-sonli buyrug'iga asosan advokat Norbutayev Farxod Gulomovichning advokatlik maqomi ish davri yakuniga qadar to'xtatildi.

O'zbekiston Respublikasining "Advokatura to'g'risida"gi Qonunining 16-moddasiga asosan Farg'ona viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 7-martdagi 59-um-son buyrug'iga asosan Qo'qon shahridagi "ADVOKAT IFTIXORI" advokatlik byurosi advokati Ibragimov Iqbol Yunusovichga 2018-yil 29-dekabrda

berilgan FE 000117-sonli (29.12.2018 yilda 116-sonli advokatlik guvohnomasi berilgan) advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasining amal qilishi hamda advokatlik maqomi tugatildi.

"Notariyat to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 152-moddasi hamda Qashqadaryo viloyat adliya boshqarmasi huzuridagi malaka komissiyasining 2022-yil 4-martdagi 1-son yig'ilish qaroriga asosan G'uzor tumani-da xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jurabayeva Gulrux Jaxongir qiziga (litsenziya KS 0013, 2020-yil 23-aprel) viloyat adliya boshqarmasi tomonidan berilgan xususiy notariyat faoliyat bilan shug'ullanish huquqini

beruvchi litsenziyaning amal qilishi 2022-yilning 5-mart kuni dan 5-aprel kuni gacha to'xtatildi.

Andijon viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 1-martdagi 38-um-son buyrug'iga asosan boshqarma tomonidan 2018-yil 17-dekabrda berilgan AN №00026-sonli litsenziya egasi, "CICERONE AYSI" advokatlik byurosi advokati Asaykov Ergashboy Ubaydulayevichning advokatlik maqomi va advokatlik guvohnomasining amal qilishi 2022-yil 1-mart kuni dan kasallik (1 yildan oshmagan) muddatiga to'xtatildi.

Qashqadaryo viloyat adliya boshqarmasi to-

monidan Joriy yilning 7-mart kuni "Nasaf madad-maslahatchi" advokatlar hay'ati advokati Pardabayev Eshnazarga boshqarma tomonidan 2021-yil 2-dekabrda berilgan KS 000262-reyestr raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasini hamda advokatlik maqomi tugatildi.

Andijon viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 11-martdagi buyrug'iga asosan Andijon shahridagi "Huquq Hamkor Ishonch" advokatlik firmasi advokati Turg'unov Ulug'bek Abdumalikovichga 2019-yil 23-mayda berilgan TN 001515 raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziya va advokatlik maqomi tugatildi.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINI
ADLIYA VAZIRLIGI

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигинда

0081-рақам билан
руйхатга олинган

ISSN 2020-7877

9782020787808

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музаф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурият Шомуродович
Юлдашева Шоҳидахон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтариқмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Тиражи — 4000
Буюртма — 70

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Топшириш вақти — 18:00
Топширилди — 16:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоysi қилинган нархда

1 2 3 4 5



"ЭНГ ЯХШИ ЮРИДИК ХИЗМАТ — 2022" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

АДЛИЯ вазирлиги томонидан профессионал юристлар жамоасини яратиб бўлган интилишларни кучайтириш мақсадида "Энг яхши юридик хизмат" Республика танлови ўтказилди.

"Энг яхши юридик хизмат" Республика танловининг саралаш босқичидан ўтиб, комиссия хулосасига кўра 147 та республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари жамоалари ичида энг яхши натижаларни кўрсатган 7 та жамоа финалда беллашди.

Булар:

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ; "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ; "Ўзбекнефтегаз" АЖ; Давлат божжона қўмитаси; Давлат солиқ қўмитаси; Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги; Транспорт вазирлиги.



Қизғин рақобат билан ўтган финал босқичи натижалари ҳамда ҳакамлар ҳайъати хулосасига асосан, ўзларининг оригинал ечимлари, ижобий амалиёти ва финалдаги ишончли иштироклари билан **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги жамоаси "Энг яхши юридик хизмат"** Республика танлови ғолиби (1-ўрин) дея эътироф этилди.

Шунингдек, танлов якунига кўра:

2-ўринни — Давлат божжона қўмитаси
3-ўринни — Давлат солиқ қўмитаси жамоалари эгалладилар.

Танлов якунида ғолиблар ва иштирокчилар танлов сертификати ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.




1, 2, 3-ўрин ғолиблари эса, сертификат, қимматбаҳо эсдалик совғалар ва кўйидаги микдорда пул мукофотлари билан тақдирландилар:

1-ўрин — 15 миллион сўм;

2-ўрин — 10 миллион сўм;

3-ўрин — 5 миллион сўм

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



2021 йил 1 октябрдан республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилган эди. Ўтган 6 ой давомида марказлар қандай натижаларга эришди? Учтепа ва Чилонзор туманларининг Юридик хизмат кўрсатиш марказларига уюштирилган пресс-турда шу каби саволлар очиқланди.



Адлия вазирлиги масъул ходими Исломбек Жўраев журналистларни Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти билан таништирар экан, аввало, марказларнинг ташкил этилишидаги эҳтиёж ҳақида маълумот бериб ўтди:

— Ушбу марказлар ташкил этилиши билан мураккаб ҳуқуқий муаммоларни коллегиял тарзда ҳал қилиш, тезкор ва сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тизими яратилди. Ташкилот юристларини иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолатларига барҳам берилди. Қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказишнинг янги бўғини ишга тушди. Давлат органларининг 550 мингдан ортиқ буйруқ ва 150 мингдан ортиқ шартномалар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 7 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирилиши юзасидан даъволар қаноатлантирилди. Агар илгари кўплаб ҳужжатлар бекор қилинган бўлса, 2021 йилдан ҳужжатларнинг бекор бўлиш фоизи 5-10 фоиздан ошмапти.



Туман даражасида 12 та ташкилот қамраб олинган. Юридик хизмат марказлари томонидан молия, халқ таълими бўлими, маданият, мактабгача таълим, тиббиёт бирлашмаси, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими, давлат ўрмон хўжалиги, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими, ободонлаштириш бошқармаси, ирригация бўлими, қурилиш бўлими, ветеринария ва chorвачиликни ривожлантириш бўлимларига хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган. Президентимизнинг "Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, эндиликда нафақат туман даражасидаги ташкилотлар, балки мактаблар, боғчалар ва оилавий поликлиникаларга ҳам хизмат кўрсатилади.

Тезкор ва сифатли ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ

— Учтепа туман адлия бўлими биносида ўтган йил октябрь ойидан бошлаб юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари учун ҳам алоҳида хона ажратиб берилди, — деди биз билан суҳбатда Учтепа туман юридик хизмат кўрсатиш марказининг бош юриконсулти Мансуралӣ Пиримов. — Марказимизда 5 нафар юриконсулт фаолият юритмоқда. Биз ташкилотларга юридик хизмат кўрсатамиз. Ҳар бир ташкилот ўзларининг буйруқ, шартномаларини бизга электрон тарзда юборади. Биз уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, қонунга мувофиқ тарзда қабул қилинишини таъминлаймиз. Ўртача ҳисобда бир кунда 20 тадан 40 тагача ҳужжатлар келиб тушади. Ҳужжатлар юриконсултларга тенг тақсимланади, юристлар томонидан ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги текширилиб, хулоса берилади.

МАКТАБ, БОҒЧА, ПОЛИКЛИНИКАЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КўРСАТИЛАДИ

Мухим хабарлардан яна бири — жорий йилнинг 1 августидан бошлаб босқичма-босқич Марказлар томонидан юридик хизмати маъхуд бўлмаган давлат ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлималарига юридик хизмат кўрсатилиши белгиланмоқда. Бу ҳақда Адлия вазирлиги масъул ходими Хафиза Хусанова батафсил маълумот берди:

— Келгусида маҳалла ва руҳонийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, қишлоқ хўжалиги бўлими, туризм ва маданий мерос бўлими, спортни ривожлантириш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси, аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази, давлат умумий ўрта таълим мактаблари, давлат мактабгача таълим ташкилотлари, давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларига юридик хизмат кўрсатилиши белгиланмоқда. Бунда умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларни "E-huquqshunos" электрон тизимига улаш ва хизмат кўрсатиш бепул асосда амалга оширилади.

— Марказимизда ҳар бир юриконсулт ихтисослаштирилган ҳолда хизмат кўрсатади, — деди Чилонзор туман юридик хизмат кўрсатиш

маркази бош юриконсулти Дўстмуҳаммад Тиллаев марказ фаолияти ҳақида гапирар экан. — Масалан, мен туман маданият бўлимига юридик хизмат кўрсатаман. Бир кунда ўртача ҳисобда 15-20 тагача ҳужжатлар келади. Шу кунгача марказимиз томонидан ҳуқуқий хулоса берилган биронта ҳужжат бекор қилинмади. Бу тизимнинг ахамияти шундаки, авваллари ташкилотлар томонидан ҳужжатларнинг ноқонуний тартибда тузилиш ҳолатлари ёки юрист томонидан жуда кеч имзоланганлик ҳолатлари ҳам бўлган. Эндиликда бундай ҳолатларга барҳам берилди. Хулоса бериш муддатимиз 3 иш куни ҳисобланади. Шу муддатдан кечиктирмаган ҳолда ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказамиз.



ҚОҒОЗБОЗЛИК ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мутахассислар таъкидлаганидек, юридик хизмат марказлари туман (шаҳар) даражасидаги давлат ташкилотларининг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда қоғозбозлик ва коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Пресс-тур давомида жамоатчилик ва ОАВ вакилларига туман адлия бўлими, давлат хизматлари марказлари фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Туман адлия бўлиминининг асосий вазифаси фуқароларга ҳуқуқий ахборотни етказиш ва ҳуқуқларини тушунтириш билан бирга уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашдан иборатлиги таъкидланди. Адлия бўлими томонидан биргина 2021 йил давомида 60 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қўриб чиқилганлиги айтилди.